



## **О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI**

**Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.**

2021 - yil 19 - oktabr

92-7-0-Q/21

Samarqand viloyat hokimligi

**Ургут туман Мактабгача таълим бўлими негизда “Омонқўтон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 60 ўринли мактабгача таълим ташкилотига янги бино қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6243-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 543-сонли қарори талабларига мувофиқ, Ургут туман Мактабгача таълим бўлими негизда “Омонқўтон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 60 ўринли мактабгача таълим ташкилотига янги бино қурилишини амалга ошириш мақсадида

### **Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компанияси буюртмачилигида Ургут тумани “Омонқўтон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан Ургут туман Мактабгача таълим бўлимига 60 ўринли мактабгача таълим ташкилоти янги биносини қуриш мақсадида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,10 гектар ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратилсин.

2. Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг

компанияси (С.Зиядуллаев), вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Хамидов), “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Самарқанд филиали (Ш.Илмуратов) ва вилоят қурилишда тендер савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази (С.Гулямов);

мазкур объектларнинг белгиланган тартибда лойиҳаолди шаҳарсозлик ҳужжатларини ўз муддатида ишлаб чиқиб тасдиқлаш;

экспертиза хулосаларини олиш ва тендер савдоларини ўтказиш чораларини кўрсин.

3. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов) вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Хамидов), “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК Самарқанд филиали (Ғ.Бекбоев) билан биргаликда ажратилган ер майдонлари чегараларини жойида (натурада) белгиласин.

4. Вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси (С.Зиядуллаев), тегишли лойиҳа ташкилоти (лойиҳа муаллифи), вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси (Ҳ.Жабборов):


мазкур объектнинг қурилиш-монтаж ишларида қурилиш сифати юзасидан техник, муаллифлик ва давлат назоратини қатъий олиб борилишини;

объектда белгиланган қурилиш-монтаж ишларини тасдиқланган режа-график асосида бажарилишини ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

5. Давлат кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Ф.Худойкулов), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов), Ургут тумани ҳокимлиги (Б.Жабборов) билан биргаликда мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин ҳамда туман ер ҳисоботи (баланси)га тегишли ўзгартириш киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов